



## БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Раупова Дилором Абдухамидовна

Сурхондарё вилоят, Қизириқ тумани, 32-мактаб

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5576471>

### ARTICLE INFO

Received: 05<sup>th</sup> October 2021  
Accepted: 10<sup>th</sup> October 2021  
Online: 15<sup>th</sup> October 2021

### KEY WORDS

биологик таълим,  
лаборатория, кўргазма,  
компетенция, ўқитувчи,  
технология, иқтидор,  
педагогика.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада биология фани бўйича таълим сифатини тубдан ошириш, умумтаълим мактабларида ушбу фанни ўқитишнинг замонавий тизимини жорий этиш, ўқув машғулоти жараёнида илғор технологияларни фойдаланишнинг айрим муаммолари баён этилган.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” қарори кимё ва биология фанларини олдида турган энг муҳим вазифаларни амалга оширишга, яъни ушбу фанлардан фундаментал билимлар беришни янада кучайтиришга, таълим сифати ва самарадорлигини ҳамда ишлаб чиқариш билан алоқасини кескин оширишга қаратилгандир. Ушбу қарорда кимё ва биология фанлари бўйича таълим сифатини тубдан ошириш, умумтаълим мактабларида ушбу фанларни ўқитишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, таълим муассасаларини замонавий лабораториялар, дарсликлар

ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, ушбу йўналишларга малакали ўқитувчи-мураббийларни жалб этиш, кадрлар тайёрлаш ва илм-фан натижаларидан фойдаланишда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ўзаро яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш асосий мақсад этиб белгиланган.

Маълумки, хорижий, жумладан МДХ давлатларида узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланган умумий ўрта таълим мактабларида биология фанини ўқитишда замонавий STEAM таълими элементларини қўллаш ва биология фанини бошқа табиий фанлар билан узвий боғлиқликда ўқитиш орқали такомиллаштириш, ўқувчиларда босқичма-босқич умумий биологик тушунчаларни табиатнинг



илмий манзарасининг ажралмас қисми ва дунёни илмий билишнинг асоси сифатида шакллантириш, ҳаётий жараёнларни биологик қонуниятлар асосида тадқиқ қилиш ва хулоса чиқариш амалиётини ривожлантириш билан боғлиқ барча кўникмаларни эгаллашларини таъминлаш ва бу орқали касбга йўналтириш, билим олишга бўлган қизиқишлари ва ижодий қобилиятларини шакллантириш борасида бир қатор амалий ишлар бажарилган.

Тараққиётнинг бугунги жадал ривожини таълим сифатини яхшилаш учун янгича ўқитиш усуллари ва янгича ёндашувларни яратишга эҳтиёж пайдо қилмоқда. Бошқа барча фанлар қатори биология фанини ўқитишни ҳам замон талабига мувофиқ ташкил этиш келажак авлод тарбиясида муҳим қадам бўлади. Бунинг учун биринчи навбатда таълим тизимининг асосий бўғини бўлган мактабларда биология фанини ўқитилишини яхшилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Умумий ўрта таълим мактабларида биология фанини ўқитиш орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини, мантиқий фикрлай олиш қобилиятини, ақлий ривожланишини, ўз-ўзини англаш салоҳиятини ривожлантириш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларни таркиб топтириш ҳамда ижтимоий ҳаётлари ва таълим олишни давом эттиришлари учун зарур бўлган билимлар берилади.

Тизимда ислоҳотларни амалга ошириш учун халқаро PISA тадқиқотларида табиий фанлар йўналишида юқори натижаларга эришган ривожланган мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, чет эл кимё

дарсликлари, ўқув дастурлари, назорат усуллари таҳлил қилиниб, илмий жиҳатдан энг илғор тажрибаларни бизнинг мактабларда амалиётга жорий қилиб борилиши кўзланган мақсадга эришишга кўмак беради.

Бугунги кунда бизнинг асосий мақсадимиз дунё мамлакатлари таълим жараёнида энг самарали саналган, болада қизиқиш ва кашфиётчиликни ривожлантириб, креатив фикрлашга ундайдиган замонавий STEAM ёндашуви ва SMART таълими элементларини тадқиқ қилиш, фанни ўқитиш даражасига ижобий таъсирини баҳолаш ҳамда ўқув дастурларимиз, дарслиklarимиз ва дарс жараёнига сингдириш ва бунинг натижаси ўлароқ чет эл ёшлари билан баслаша оладиган авлодни тарбиялашдир. Бу вазифаларни амалга оширишда биология фанларини ўқитишда интерактив усуллардан фойдаланган ҳолда инновацион ёндашувларни ишлаб чиқишнинг педагогик - психологик асослари, биологияни ўқитишда илғор методларини қўллаш ва бунинг ўқитиш даражасига таъсири ва аҳамиятини белгилаш алоҳида аҳамиятга моликдир.

Ўқитувчининг дарсни бошлаган вақтидаги энг биринчи ва муҳим вазифаларидан бири синфда қулай психологик муҳитни ярата олиши ва дарс якунида айнан ўзи кутган натижага эриша олишида бутун дарс мобайнида дарс жараёнини қизиқарли тарзда ташкил қилиш орқали синфда ўзига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириши муҳимдир. Дарс жараёнида ўқувчиларга бирор маълумотни ёдлаб олиб, қайтиб айтиб беришни эмас, уни амалиётда қўллаш



усулларини ва мустақил бўлишни ўргатиш, ижодий фикрлашни ривожлантириш учун кўпроқ компетентликка асосланган топшириқларни бериш ва фанни ўрганишдан мақсад нима эканлигини тез-тез такрорлаб туриш, ўқувчиларни билим даражасига қараб гуруҳларга бўлиш, бунда уларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб топшириқлар бериш ва фаннинг энг сўнгги ютуқларини билиб бориш, замонавий манбалардан айнан фанга оид қизиқарли ахборотларни топиш ва қўллашни ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Биология фанини ўқитишда асосан кўرғазма-намойишли, иллюстратив усулларни қўллаб бориш ўқувчиларда билим ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш билан бир қаторда турли муаммоларга ечим топа олиш кўникмасини шакллантиради. Ўқувчиларнинг дарсларда фаол иштироки уларда оламни идрок этиш учун билим, тушунча ва ғоялар ривожланишига ёрдам беради.

Умумтаълим муассасаларда биология фанини ўқитишда қуйидаги усулларлардан педагогик мақсадларга кўра фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1. Билим олишга иштиёқни оширадиган усуллар;
2. Фанга бўлган қизиқишни оширадиган методлар;
3. Билимларни тўғри талқин қилинишига йўналтирилган усуллар;
4. Билимларни мустақамлайдиган усуллар;

5. Ўзлаштирилган билимларни амалда қўллашга имкон берувчи усуллар;

Биологик таълимда янги ўқитиш жараёнини лойиҳалаштириш учун ички муҳим омилларга эътибор қаратилиши лозим.

1. Биологик таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти:

2. Биологик таълим бериш жараёнида ўқув материаллардан кўрғазмали тарзда маълум кетма – кетликда фойдаланиш.

Биологик таълимни амалга оширишда ўрганилаётган мотивацияни ошириш, мантиқий фикрлашга ва ўз фикрини ифода этишга ўргатиш ўқитишнинг долзарб мақсадларидан биридир. Биологик таълимни ўқитишда ўқитувчи ўз маҳоратидан келиб чиққан ҳолда янги ўқитиш усулларни топиб кучли билим бермоғи лозим.

Қуйидаги усуллар биологик таълим жараёнида самарали бўлиши мумкин:

1. Презентация – ўқув материалларнинг дарс жараёнига киритиш босқичи.

2. Ўрганилаётган биологик таълим материалларини машқ қилиш.

3. Биологик таълим нуқтаи назардан вазифалар асосида таълим олувчида кўникмалар ҳосил қилиш.

Хулоса, умумтаълим мактабларида биология фанини ўқитишда тизимли, технологик ёндашув кенг қўлланилса, кафолатланган натижаларни беради. Бунинг учун ҳам педагог ўқитувчи ўқув



жараённинг моҳияти, мақсади,  
вазифаларни яхши билиши, уни  
анъанавий ўқитиш тизимидан фарқлаб,

дарсда мотивацияни ҳосил қилган ҳолда  
ўқувчиларга индивидуал ёндашувни  
ташкил этиш лозим.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ишмуҳамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. - Т.: РБИММ, 2008.
2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: «Истеъдод», 2008.
3. Толипова Ж.О., Гофуров А.Т. Биология ўқитиш методикаси. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: «Билим», 2004.
4. Толипова Ж.О. Биологияни ўқитишда педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. – . Низомий номидаги ТДПУ, 2005.
5. Толипова Ж.О., Гофуров А.Т. Биология таълими технологиялари. - Т.: «Ўқитувчи», 2002.